

## USE OF INFORMATION SYSTEMS IN THE MANAGEMENT OF STATE-PRIVATE PARTNERSHIP

Mirzaev Soyibjon Sobitovich<sup>1</sup>

Dusmuratov Ganiybay Davletbaevich<sup>1</sup>

<sup>1</sup>Docent of Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers,  
candidate of technical sciences

<sup>2</sup>Docent of Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers,  
candidate of economic sciences

Uzbekistan, 100000, Tashkent, Qori Niyoziy Street, 39

E-mail: [dusmuratov69@gmail.com](mailto:dusmuratov69@gmail.com)

**Abstract:** Analyzed the project management system of public-private partnerships. A functional diagram of an information and analytical management system has been developed. The essence of the "management efficiency" of a public-private partnership is disclosed. The main advantages of using information systems in public-private partnership projects are identified. The role of the information-analytical system in the management of public-private partnership projects is given. The basic concepts of management processes in public-private partnership projects are identified.

**Key words:** public-private partnership, public-private partnership projects, information systems, project management, information technologies, information and analytical systems.

## ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК ЛОЙИҲАЛАРИНИ БОШҚАРИШДА АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Мирзаев Сойибжон Собитович<sup>1</sup>

Дусмуратов Ғанийбай Давлетбаевич<sup>2</sup>

<sup>1</sup>ТИҚХММИ доценти, т.ф.н. <sup>2</sup>ТИҚХММИ доценти, и.ф.н.

Ўзбекистон, 100000, Тошкент, Қори Ниёзий кўчаси, 39

E-mail: [dusmuratov69@gmail.com](mailto:dusmuratov69@gmail.com)

**Аннотация:** Давлат-хусусий шериклик соҳасидаги лойиҳаларни бошқариш тизими таҳлил этилган. Бошқарувнинг ахборот-таҳлил тизимининг функционал схемаси ишлаб чиқилган. Давлат-хусусий шерикликда “Бошқариш самарадорлиги” тушунчаси моҳияти очиқ берилган. Давлат-хусусий шерикчилиги лойиҳаларини бошқаришда ахборот тизимларидан фойдаланишнинг асосий афзалликлари юзага чиқарилган. Давлат-хусусий шерикчилиги лойиҳаларини бошқариш тизимида ахборот-таҳлилий тизим ўрни кўрсатиб берилган. ДХШ лойиҳаларини бошқариш тизимида кўра бошқариш жараёни босқичлари аҳамияти кўрсатиб берилган.

**Калит сўзлар:** давлат-хусусий шериклик, давлат-хусусий шериклик лойиҳалари, ахборот тизимлари, лойиҳаларни бошқариш, ахборот технологиялари, ахборот-таҳлил тизими.

### Кириш

Давлатни ривожлантиришнинг муҳим шартларидан бири ҳозирги вақтда инсон интеллектуал капитални ва ривожланишнинг илмий-техник салоҳиятини самарали жамлаш ва фойдаланишни таъминлаш ҳисобланади. Шу муносабат билан ахборотлашган жамият талабларига мос равишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сонли Фармонида мувофиқ тасдиқланган “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегияси” да “Жаҳон фанининг замонавий ютуқлари, инновацион

Ғоялар, ишланмалар ва технологиялар асосида мамлакатни жадал ривожлантириш” масалалари белгилаб берилган [2].

Мазкур стратегияни амалга оширишдаги энг муҳим йўналишлар – илмий-техник лойиҳаларни шакллантирувчи ва амалга оширувчи давлат-хусусий шерикчилик (ДХШ) корхоналарини қўллаб-қувватлаш институтлари фаолиятини таъминлаш, ДХШ корхоналари лойиҳаларининг самарадорлигини оширишдан иборат.

Тадқиқотнинг мақсади ахборот тизимларидан фойдаланиб давлат-хусусий шерикчилиги лойиҳаларини бошқаришнинг услубий асосларини шакллантиришдан иборат. Ушбу мақсаддан келиб чиқиб ДХШнинг турли даражаларида шаклланган лойиҳаларни бошқариш механизмини интеграциялашга имкон берадиган ахборот-таҳлилий тизимини шакллантиришнинг услубий асосларини ишлаб чиқиш ҳисобланади.

ДХШ лойиҳаларини бошқариш соҳасида янги механизм талаб этилади, бу механизм бошқарувнинг замонавий воситалари, яъни қоидалар, меъёрлар, алгоритмлар тўпламидан иборат ахборот тизимларини ривожлантириш ҳамда тадбиркорликни қўллаб-қувватлашдаги давлат сиёсатини амалга оширишда ягона қоидалар ва шарт-шароитларни таъминлаш имкониятини бериши зарур.

#### **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили**

ДХШ корхоналарини қўллаб-қувватлашга, ДХШ лойиҳаларини бошқариш тизимини такомиллаштиришга йўналтирилган давлат сиёсатини амалга ошириш билан боғлиқ муносабатларни ривожлантириш муаммосини тадқиқ этишга В.Г.Варнавскийнинг ишлари бағишланган [5].

Давлат-хусусий шерикчилиги билан шуғулланган олимлар С.П.Ангаева, С.Д.Н.Дагбаева, Г.А.Борщевскийларнинг ўқув қўлланмалари ва дарсликларидан лойиҳаларни бошқариш соҳасида иқтисодий фаолиятни амалга ошириш натижасида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг кенг кўламдаги назарий ва амалий муаммолари ёритиб берилган [6,7].

Мамлакатимизда давлат-хусусий шерикчилиги бўйича А.Э. Шайхов таҳрири остида ёзилган ўқув модулида, масаланинг назарий ва амалий жиҳатлари баён қилинган [8]. Шунингдек, Х.Н.Усманов, М.Х.Камилова, У.И.Джуманиязовларнинг илмий мақолаларида хорижда ва мамлакатимизда давлат-хусусий шерикчилигининг тажрибалари, уларни бошқариш масалалари кўриб чиқилган [9,10]. Ф.Х.Шафқаровнинг илмий мақоласида эса сув хўжалигида давлат-хусусий шерикчилигининг хусусиятлари очиқ берилган [12].

Инфраструктуравий лойиҳаларни амалга оширишда давлат-хусусий шерикчилик механизмини қўллаш масалаларини хорижий мутахассислар, жумладан Дж.Делмон ёритиб берган [5]. Давлат-хусусий шерикчилигини амалга ошириш бўйича амалий қўлланмаларда умумий принциплар ва улардан фойдаланиш бўйича кўрсатмалар берилган [13,14,15].

Шунга қарамасдан давлат-хусусий шерикчилиги лойиҳаларини амалга оширишда янги ахборот тизимларидан тўлиқ фойдаланиш ва уларни услубий жиҳатдан таъминлаш масалаларини ҳал этиш лозим.

#### **Тадқиқот методологияси**

ДХШ лойиҳаларини бошқариш ва ДХШ субъектларида ахборот тизимларидан фойдаланишга бағишланган хорижий ва мамлакатимиз олимларининг асарлари тадқиқотнинг назарий ва методологик асослари бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқотлар абстракт-мантиқий (тадқиқотда давлат-хусусий шерикчиликни бошқариш жараёнини ўрганишда), тизимли таҳлил (ахборот-таҳлил тизимининг функционал схемаси шакллантиришда ва ривожлантириш тенденцияларини юзага чиқаришда), таққослаш ("бошқариш самарадорлиги" тушунчасининг моҳиятини очиб беришда), вазиятли ёндашув (лойиҳаларни бошқаришнинг ахборот тизимларидан фойдаланишнинг асосий афзалликларини юзага чиқаришда), ДХШ лойиҳаларини бошқариш тизимларида ахборот-таҳлилий тизимнинг ўрнини аниқлашда эксперт баҳолаш каби методларни қўллаш асосида амалга оширилди.

### **Таҳлил ва натижалар**

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида ташкил этилган Давлат-хусусий шерикчиликни ривожлантириш агентлигининг асосий вазифаларидан бири давлат-хусусий шерикчилик соҳасидаги лойиҳаларни амалга оширишда идоралараро мувофиқлаштиришни таъминлаш, шунингдек, лойиҳалар тўғрисидаги ахборотни очиқ ҳолда жойлаштириш ва уларнинг реестрини юритишдан иборат. Агентлик давлат-хусусий шерикчилик лойиҳаларининг амалга оширилиши, техник-иқтисодий ҳамда молиявий кўрсаткичлари тўғрисидаги ахборотни уларнинг ташаббускорлари ва иштирокчиларидан сўраб олиш ҳуқуқига эга [3]. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Агентликни белгиланган тартибда зарур алоқа билан, шунингдек, юқори тезликда ишлайдиган Интернет жаҳон ахборот тармоғига уланишини таъминлаши лозим. Бунда Агентлик давлат-хусусий шерикчилик ва республиканинг ушбу соҳадаги салоҳияти тўғрисидаги маълумотларни тезкор олиш имконини берадиган дастурий маҳсулотлар ҳамда ахборот тизимларини яратади ва жорий қилади [4].

Агентликнинг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда давлат, рус тили ва бошқа чет тилларида батафсил маълумот олиш имкониятини берадиган Ўзбекистон Республикаси давлат-хусусий шерикчиликнинг ягона ахборот порталини ишлаб чиқиш ҳамда ишга тушириш ишлари олиб борилмоқда, барча манфаатдор юридик ва жисмоний шахсларнинг давлат-хусусий шерикчилик соҳасида ўтказиладиган танловлар, амалга ошириладиган лойиҳалар, кўрсатиладиган хизматлар ҳақида порталда жойлаштириладиган ахборотдан эркин фойдаланишини таъминлаш чоралари кўрилмоқда.


Давлат органлари учун лойиҳани режалаштириш ва тайёрлаш босқичи энг масъулиятли ҳисобланади, модомики, келажакда лойиҳанинг муваффақияти кўпинча тайёргарлик натижаларига боғлиқ. Шунинг учун ДХШни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш соҳасида давлат бошқаруви стратегиясини амалга оширишда ягона жараён сифатида лойиҳаларни интеграциялашган бошқаришни шакллантириш долзарб масала ҳисобланади. Бундай бошқаришнинг асоси лойиҳанинг деярли барча босқичларида автоматлаштириш ва мониторинг ўтказишга имкон берадиган ахборот тизими бўлиши лозим.

Лойиҳаларни бошқаришга интеграциялашган ёндашув деганда ушбу фаолиятни кенгроқ маънода, яъни ДХШ субъектининг бутун фаолияти назарда тутилади. Бунинг маъноси шундаки, лойиҳаларни бошқаришнинг алоҳида

соҳаларидаги масалаларни ечиш умумийроқ, “корпоратив” ечимларга асосланиши зарур. Лойиҳаларни бошқаришнинг вертикал интеграциялашган тизими тўғрисида гапирилганда ДХШнинг бутун ахборот ва инструментал майдонини лойиҳа нуқтаи назаридан тадқиқ этадиган лойиҳа менежменти позицияси назарда тутилади.

Ахборот технологиялари соҳасида интеграциялашган ёндашув ўзаро боғлиқ маҳсулотлар контурини яратиш зарурати сифатида ифодаланади, бу контурда бошқарувнинг ахборот-таҳлил тизими (БАТТ) ДХШ корхонасининг бошқа тизимлар билан ахборот ва фойдаланувчи интерфейси ёрдамида боғланади (1-расм). Бу эса, ўз навбатида, корхона интеграциялашган тизимининг ўзаро боғланадиган элементларини яратиш учун фойдаланилган базавий амалий дастурлар пакетлари ўртасидаги интерфейсларни ўрнатишни талаб этади.

Ахборот технологиялари барча соҳаларда, шу жумладан, иқтисодиётда ҳам кенг қўлланилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги қонунида ахборот тизимига қуйидагича таъриф берилган: ахборот тизими – ахборотни тўплаш, сақлаш, излаш, унга ишлов бериш ҳамда ундан фойдаланиш имконини берадиган, ташкилий жиҳатдан тартибга солинган жами ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ва алоқа воситалари [1]. Ушбу таърифда ахборот тизимлари ахборотни қайта ишлашнинг компьютер воситаларини ўз ичига олиши ҳам, олмаслиги ҳам мумкинлигига урғу берилмоқда.



### **1-расм. Ахборот-таҳлил тизимининг функционал схемаси**

**Манба:** Ларионов И.В. Повышение эффективности управления проектами государственно-частного партнерства на основе информационных систем. Автореф. дисс.на соис. уч. степ. к.э.н. - Самара: СГТУ, 2015. - 26 стр.

Бундай тизимларни ДХШ лойиҳаларини бошқариш жараёнига жорий этишни ҳозирги босқичда ДХШ лойиҳаларини бошқаришни ривожлантиришнинг муҳим тенденцияси сифатида қараш мумкин.

“Бошқариш самарадорлиги” тушунчаси бир хил маънода эмас. Самарадорлик (Effectiveness) – натижа кўрсаткичлари ва уларга эришиш харажатларига нисбати нисбий самарадир. Замонавий иқтисодий луғатда бошқариш самарадорлиги – бу

объектни бошқариш тизими бошқариладиган объект фаолияти самарадорлигини таъминлайдиган ўлчовдир. Бошқариш самарадорлиги **бошқарув** фаолияти ўзининг натижадорлиги сифатида, бошқарув объектнинг ва бошқарув фаолияти ўзининг (бошқарув субъекти) ҳар хил кўрсаткичларда акс эттириладиган конкрет бошқарувчи тизим фаолияти натижадорлигининг нисбий характеристикаси сифатида, ўша харажатларда катта натижалар олиш ёки харажатларни пасайтириб шундай натижани олиш сифатида, бошқаришни такомиллаштиришнинг бошқарув натижаларини ва уларга эришиш учун сарфланган ресурсларни таққослаб аниқланадиган асосий кўрсаткичларидан бири сифатида тушунилади ва бошқалар. Самарали бошқаришнинг маълум принциплари мавжуд:

- иштирок этиш (Participation): барча манфаатдор томонларнинг қамраб олинганлик даражаси;

- “яхши муомала” қоидаси (Decency): қоидаларни яратиш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш аҳолига зарар етказмасдан ёки улар орасида норозилик ўйғотмасдан амалга оширилиш даражаси;

- шаффофлик (Transparency): қарорлар қабул қилиш жараёнининг тушунарлилиги ва очиқлиги;

- ҳисоб бериш мажбурлиги (Accountability): сиёсий арбобларнинг айтилган сўзлар ва амалга оширилган ишлар учун жамият олдидаги масъулияти даражаси;

- адолатлилик (Fairness): қонун-қоидаларга амал қилишни жамиятнинг барча аъзоларига бирдек тегишли эканлиги талабининг бажарилиши даражаси;

- самарадорлик (Efficiency): чекланган инсон ресурслари ва молиявий ресурслардан исроф қилмасдан, кечиктирмасдан, ишдан чиқармасдан ёки келажак авлодларга зарар етказмасдан фойдаланиш даражаси.

ДХШ лойиҳаларини бошқариш самарадорлигига БМТнинг Европа иқтисодий комиссияси томонидан ишлаб чиқилган “Сиёсий арбоблар, давлат хизматчилари ва хусусий сектор вакиллари учун амалий қўлланма”да берилган охириги таърифга амал қиламиз.

Бугунги кунда ушбу масалаларни ҳал қилишда замонавий ДХШ ташкилотлари лойиҳаларни бошқариш жараёнларини автоматлаштиришсиз амалга ошириши мумкин эмаслигига ҳеч ким шубҳа қилмайди. Бунда йирик ташкилотлар лойиҳа ишларини автоматлаштириш заруратига эртароқ дуч келадилар, шунингдек, уларнинг бўш маблағлари ҳам одатда кўпроқ бўлади. Кичик ва ўрта ташкилотлар учун ҳам харажатларни камайтириш ва бошқариш самарадорлигини ошириш зарурати долзарблиги кам эмас. Кўпинча жараёнларни қайта ташкил этиш ва уларни янги даражага кўтариш мақсадида бажариш керак бўладиган ишларнинг ҳажми ниҳоятда катталиги муаммо бўлади. Лойиҳаларни бошқариш фаолиятини автоматлаштириш воситаларининг асосий вазифаси бошқарувнинг айнан бир хил қарорларини қабул қилиш учун фойдаланиладиган ахборотнинг тезлиги, аниқлиги ва тўлиқлигининг зарур даражасини таъминлашдан иборатдир. Агар менежерларни лойиҳаларни янада батафсил режалаштириш ва назорат қилишга жалб этиш, лойиҳаларни бошқаришнинг махсус усулларида фойдаланиш, ишларни бажаришни ва лойиҳа ҳужжатлари айланмасини жамоада ташкил этиш талаб этилаётган бўлса, махсус дастурий таъминотсиз ушбу масалаларни ҳал этиб бўлмайди.

Лойиҳаларни бошқаришнинг ахборот-таҳлил тизими (АТТ) – махсус дастурий таъминот комплекси асосида яратилган услубий, техник, дастурий ва ахборот

воситаларининг ташкилий-технологик комплекси бўлиб, лойиҳаларни режалаштириш ва бошқариш жараёнлари самарадорлигини оширишга мўлжаллангандир. Лойиҳаларни бошқариш тизимига методологик ва меъёрий ҳужжатлар ҳамда дастурий-аппарат воситалар киради. Лойиҳаларни режалаштириш ва бошқаришнинг ягона тизимини жорий этиш ДХШ лойиҳаларини амалга ошириш самарадорлигини сезиларли даражада оширишга ёрдам беради. Лойиҳаларни бошқаришнинг ахборот тизимларидан фойдаланишнинг асосий афзалликлари қуйидагилардан иборат:


- лойиҳаларни бошқариш таомилларини қатъий тартибга солиш имконияти;
- инвестициялар самарадорлигини аниқлаш ва таҳлил қилиш;
- лойиҳанинг вақтли, ресурс ва қиймат параметрларини ҳисоблашнинг математик усулларида фойдаланиш;
- иш графиги, ресурслар ва қийматлар тўғрисидаги ахборотни марказлашган ҳолда сақлаш;
- иш графиги, ресурслар таъминоти ва молиялаштиришдаги ўзгаришларнинг лойиҳа режасига таъсирини тезкор таҳлил қилиш имконияти;
- лойиҳадаги ишларнинг бажарилишини назорат қилиш структурасини таъминлаш;
- лойиҳалар рискинни ҳисобга олиш ва бошқариш;
- ишлар сифатини назорат қилишни таъминлаш;
- лойиҳани амалга ошириш жараёнида етказиб бериш ва шартномаларни бошқариш ҳамда назорат қилиш;
- лойиҳа фаолиятининг ахборот оқимларини аниқлаш;
- ҳисоботлар ва график диаграммаларни тайёрлаш ҳамда лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқишни автоматлаштириш имконияти;
- лойиҳа архивидан фойдаланиш ва билимларни тўплашни қўллаб-қувватлаш.

Бошқарув ҳаракатлари иккита катта блок, яъни лойиҳани шакллантириш ва лойиҳаларни танлаб олишга йўналтирилган. ДХШ лойиҳаларини бошқариш тизими 2-расмда келтирилган.

Менежмент (бошқарув) одатда ўз ичига режалаштириш, ташкил этиш, ходимларни бошқариш, раҳбарлик ва назорат каби бошқарув функцияларини қамраб олувчи бошқарув жараёни сифатида тавсифланади. АТТ менежерларни бошқарув функцияларини бажариш учун керакли маълумотлар билан таъминлайди.

Ахборот-таҳлил тизимининг асосий мақсади – зарур ахборотни шакллантиришдир. АТТ объекти – маълумотлардир, яъни хабар, кўзатув натижаларидан фарқли равишда юқори даражада тартибланган, аниқ структурали ахборот шаклидир. АТТ жараёнларига бошқарув таъсири ташкилот раҳбарияти, яъни ДХШ лойиҳаси менежменти томонидан амалга оширилади. АТТ ахборот ресурсларидан мақсадга мувофиқ фойдаланиш ва бошқарувнинг барча босқичларида ахборотни етказиб беришга мўлжалланган (2-расм).

ДХШ лойиҳаларини бошқариш тизимига кўра бошқариш жараёни бир нечта босқичдан иборат: лойиҳаларни шакллантириш, лойиҳаларни танлаб олиш, лойиҳани тайёрлаш ва уни ҳимоя қилиш. ДХШ лойиҳаларини бошқариш жараёнига ахборот-таҳлил тизимини жорий этиш лойиҳаларни шакллантириш, танлаб олиш, баҳолаш ва мониторингини амалга ошириш асосларининг ягона методик асосини ишлаб чиқишни талаб этади.



**2-расм. ДХШ лойиҳаларини бошқариш тизими**

Манба: Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

Тизимларни лойиҳалашга иккита ёндашув мавжуд, улар ДХШ лойиҳаларини режалаштириш, шакллантириш ва амалга ошириш соҳасидаги жараёнлар орасидаги ҳақиқий алоқаларни ҳисобга олади:

- бошқарув тизимининг асосий бирлиги танлов (конкурс)дир;
- бошқарув тизимининг асосий бирлиги лойиҳадир.

Биринчи ёндашувни амалга ошириш осонроқ ва у танловга тақдим этилган барча лойиҳаларнинг иқтисодий параметрларини ҳисобга олиш имконини беради. Ўтказилаётган ҳар қандай танлов доирасида тўпланган маълумотлар асосида умумлашган ҳисоботлар тайёрлаш мумкин. Лекин бу ёндашув илмий-техник лойиҳалар ҳаёт циклининг энг асосий хусусиятларини, яъни лойиҳаларни тайёрлаш ва амалга оширишнинг кўп босқичли эканлиги, молиялаштириш кўплигини ҳисобга олмайди. Бу эса ўз навбатида молиялаштиришнинг турли хил манбалари мавжуд бўлган кўп босқичли лойиҳаларни ҳисобга олиш жараёнларини ташкил этишни мураккаблаштиради.

Иккинчи ёндашув лойиҳани амалга оширишнинг бошланғич босқичи, яъни режалаштириш даврида мураккаброқ кечади, лекин у биринчи ёндашувнинг камчилигидан холидир. Ушбу ёндашувни қўллаганда молиялаштириш турлари ва лойиҳалаш босқичлари исталганча мураккаб бўлганда ҳам иқтисодий параметрларни ҳисобга олиш мумкин.

Иккинчи ёндашувни амалга ошириш бошланғич босқичда кўпроқ ресурсларни талаб этса ҳам, лекин келгусида иқтисодий ҳисоботларни шакллантиришда максимал мослаша оладиган ушбу ёндашувни танлаш мақсадга мувофиқдир. Бундай лойиҳаларни тайёрлаш ва амалга оширишнинг кўп босқичли эканлигини ҳамда молиялаштириш манбаларининг кўп эканлигини ҳисобга олиш мақсадида таҳлилий тизим яратиш учун техник топшириқнинг икки хил турдаги лойиҳалари тақлиф этилмоқда: базавий илмий-техник лойиҳа ва оддий илмий-техник лойиҳа.

### **Хулоса ва тақлифлар**

Кўриб турганимиздек, ДХШ лойиҳаларини ривожлантиришда, уларни амалга ошириш шароитларига мослаштириш йўлида жиддий муаммолар мавжуд. Шунинг учун бу ерда лойиҳа бошқарувини ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга. ДХШ лойиҳаларини бошқаришнинг интеграциялашган тизимини яратиш зарур. ДХШ лойиҳалари учун ахборот бошқарув тизимининг асосий мақсади – ДХШда иштирок этувчи барча ҳокимият ва бизнес тузилмаларининг ўзаро мувофиқлаштирилган алоқасини таъминлашдан иборат.

Ахборот тизимлари асосида давлат-хусусий шерикчилиги лойиҳаларини бошқариш механизминини ишлаб чиқиш бошқарув самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Ахборот-таҳлилий тизимнинг таркибида қатор маълумотлар манбаларининг мавжудлиги эвазига ахборотни самарали сақлашга эришилади. Таклиф этилаётган АТТ давлат-хусусий шерикчилигининг турли даражаларида лойиҳаларни бошқариш механизминини интеграциялашга имкон беради.

Бошқарув жараёнининг ахборот-таҳлил тизими асосида ётувчи методик база нафақат шакллантириш босқичи тугаган лойиҳани танлаб олиш, балки лойиҳани келгуси молиялаштириш жараёнида тегишли бошқарув ҳаракатларини ҳам амалга ошириш имкониятини беради. Бу ҳолат фаолияти яқин бўлган ташкилотлар орасида биргаликда фаолият юритиш ҳамда илмий-техник лойиҳаларга сарфланадиган бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш имкониятларини беради.

## References

1. O‘zbekiston Respublikasining «Axborotlashtirish to‘g‘risida”gi qonuni. O‘zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining Axborotnomasi, 2004 y., 1-2-son, 10-modda. <https://lex.uz>.
2. “2019-2021 yillarda O‘zbekiston Respublikasini innovatsion rivojlantirish strategiyasi”. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 21 sentyabrdagi PF-5544-sonli Farmoniga muvofiq tasdiqlangan. <https://lex.uz>.
3. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 20 oktyabrdagi “Davlat-xususiy sheriklikni rivojlantirishning huquqiy va institutsional bazasini yaratish bo‘yicha birinchi navbatdagi chora-tadbirlar to‘g‘risida” PQ-3980-sonli qarori. <https://lex.uz>.
4. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2018 yil 13 dekabrdagi “O‘zbekiston Respublikasi moliya vazirligi huzuridagi davlat-xususiy sheriklikni rivojlantirish agentligi faoliyatini tashkil etish to‘g‘risida”gi 1009-sonli qarori. <https://lex.uz>.
5. Gosudarstvenno-chastnoe partnerstvo: teoriya i praktika [Tekst] / V. G. Varnavskiy i dr.; Gos. un-t – Viysshaya shkola ekonomiki. – M.: Izd. dom Gos. un-ta – Viysshey shkoliy ekonomiki, 2010. — 287 s.
6. Angaeva S.P., Dagbaeva S. D-N. Gosudarstvenno-chastnoe partnerstvo [Tekst] : uchebnoe posobie S. P. Angaeva, S. D-N Dagbaeva, Ulan-Ude : Izd-vo VSGUTU, 2016. 81 str. <https://dvs.rsl.ru/nbu/Vrr>.
7. Borshevskiy, G.A. Gosudarstvenno-chastnoe partnerstvo : uchebnik i praktikum dlya bakalavriata i magistraturiy / G.A. Borshevskiy. – 2-e izd., pererab i dop. – M.: Izdatelstvo YUrayt, 2018. – 412 s. – (Seriya: Bakalavr i magistr. Akademicheskii kurs).
8. Teoriya i praktika gosudarstvenno-chastnogo partnerstva. Uchebnyy modul. /Pod redaksiy SHayxova A.E. / UNDP. Torgovo-promiyshlennaya palata Uzbekistana. Tashkent – 2013. - 124 s.



9. Usmanov X.N.. Gosudarstvenno-chastnoe partnyorstvo: zarubejniyy opiyt i perspektiviy razvitiya v Respublike Uzbekistan // “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. № 5, sentyabr-oktyabr, 2015 yil. <http://iqtisodiyot.tsue.uz>.

10. Kamilova M.X. Razvitie gosudarstvenno-chastnogo partnerstva v innovatsionnoy politike Respubliki Uzbekistan // “XXI asr: fan va ta’lim masalalari” ilmiy elektron jurnali. №2, 2017 yil. [www.sharqjurnali.uz](http://www.sharqjurnali.uz).

11. Djumaniyazov U.I. Davlat-xususiy sherikchiligi asosida korporativ boshqaruvni rivojlantirishning ayrim nazariy-uslubiy masalalari / “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. № 3, may-iyun, 2017 yil, <http://iqtisodiyot.tsue.uz>. 12 bet.

12. SHafkarov F.X. Suv xo’jaligida davlat xususiy sherikchiligi // Agroiqtisodiyot jurnali, 2-son, 2018 y. 45-48-b.

13. Delmon, Dj. Gosudarstvenno-chastnoe partnerstvo v infrastrukture [Tekst]: prakticheskoe rukovodstvo dlya organov gosudarstvennoy vlasti / Djeffri Delmon. - Astana: Tip. ITS «Apelsin», 2010. - 250 s.

14. «Rukovodstvo po partnerstvu gosudarstvennogo i chastnogo sektorov» Aziatskogo Banka Razvitiya ot 2008 g. Dostupno v internete po adresu: <http://www.adb.org/documents/public-private-partnership-ppp-handbook-ru>.

15. Prakticheskoe rukovodstvo po voprosu effektivnogo upravleniya v sfere gosudarstvenno-chastnogo partnerstva [Elektron. resurs] / EEK OON.- Jeneva, 2008 g. – Rejim dostupa: [http://www.unece.org/ceci/publications/ppp\\_r.pdf](http://www.unece.org/ceci/publications/ppp_r.pdf). – Data dostupa: 25.08.2017.